Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-июнида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) маҳсулотининг умумий ҳажми 2008,5 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,1 фоизни, шу жумладан, Деҳқончилик ва чорвачиликда, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 2001,0 млрд (106,0 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 4,2 млрд. сўмни (100,9 фоиз), Балиқчилик хўжаликларида 3,3 млрд. сўмни (137,5 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ҳосил йиғими. 2017 йил январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 734204 тонна дон экинлари(101,0 фоизга кўп), 84991 тонна картошка(107,7 фоизга кўп), 184942 тонна сабзавот (108,3 фоизга кўп), 41734 тонна полиз (116,7 фоизга кўп), 63408 тонна мева (107,7 фоизга кўп) 4340 тонна узум (107,7 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 105,5 фоизга (жами 1466,0 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 101,6 фоизга (486,4 минг бош), қўй ва эчкилар 102,3 фоизга (4432,1 минг бош), отлар 106,2 фоизга (29,6 минг бош), паррандалар 108,9 фоизга (4873,9 минг бошни) ташкил этди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 98,3 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,4 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 69,2 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли корамол	**1466,0**	**105,5**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	58,5	104,1
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1390,6	105,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	16,9	105,0
улардан сигирлар	**486,4**	**101,6**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	18,9	103,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	461,6	101,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,9	113,5
Куй ва эчкилар	**4432,1**	**102,3**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	180,3	121,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3887,5	102,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	364,3	94,7
Отлар	**29,6**	**106,2**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	2,1	108,5

	минг бош	ўсиш суръати, %
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	26,5	105,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,0	109,5
Паррандалар	**4873,9**	**108,9**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	237,4	103,1
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3415,2	104,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1221,3	126,4

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,9 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,0 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,9 ва 3,9 фоизни, қўй ва эчкилар 87,7 ва 4,1 фоизни, отлар 89,5 ва 7,1 фоизни, паррандалар 70,1 ва 4,9 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-июнда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 130,6 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-июнга нисбатан 109,7 фоизга кўп), 496,6 минг тонна сут (107,7 фоизга кўп), 198767 минг. дона тухум (113,2 фоизга) кўп ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	**130,6**	**109,7**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,9	137,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	126,5	109,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,2	105,4
Сут, минг тн.	**496,6**	**107,7**
шу жумладан:		

	миқдори	ўсиш суръати, %
Фермер хўжаликлари	8,4	121,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	485,2	107,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,0	113,1
Тухум, млн. дона	**198,8**	**113,2**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	4,5	107,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	133,0	105,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	61,3	134,1

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 565,0 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 101,6 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 28,7 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига фермер хўжаликларида 58,5 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 18,9 минг бош сигир, 180,3 минг бош қўй ва эчкилар, 2,1 бош от, 237,4 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-июнь		2017 йил январь-июнь		2016
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	Январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Картошка	14756	18,7	15687	18,5	106,3
Сабзавот	54006	31,6	57945	31,3	107,3
Полиз	15436	43,2	16412	39,3	106,3
Мева	30052	51,1	32285	50,9	107,4
Узум	1302	32,3	1370	31,6	105,2
Гўшт	1356	1,1	1862	1,4	137,3
Сут	6914	1,5	8422	1,7	121,8
Тухум. минг дона	4203	2,4	4524	2,3	107,6